25 (459)
2005 йил 22 июнь
Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
- Иқтисодиётда ислоҳот
- "Инқилоб" сўзини инқиллаб айтадию...

3
- Касб байрамингиз муборак, ҳамкасблар!
- Сўнгги пушаймон ...душман эмас!

4
- Чилпиқ — Амударё бўйидаги обида
- Садоқатни яхши кўрган аёл...

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида

Энг улуғ, энг азиз умуммиллий байрамимиз — Мустақиллик кунини кенг нишонлаш истиқлол йилларида муҳим ижтимоий-сиёсий воқеага, қутлуғ анъанага айланиб қолди. Айниқса, кейинги йилларда бу байрамни мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман ва қишлоқларда уюшқоқлик билан, юксак савияда ўтказишга катта эътибор берилаётганини қайд этиш зарур.

Бугунги кунда халқимиз мустақилликнинг моҳияти ва аҳамиятини аввало ўзлигимизни англаш, биз кимларнинг, қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни чуқур идрок этиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги руҳида яшаш, истиқлол ғояларини юртдошларимиз, хусусан, ёш авлод қалби ва онгига янада теран сингдириш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш, демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг асосий ва муҳим шарти, миллий тараққиётимиз кафолати сифатида қабул қилаётгани алоҳида эътиборга сазовор.

Мустақиллик байрамининг катта тарихий-сиёсий аҳамиятини назарда тутиб ҳамда бу улуғ сананинг 14 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби 1-иловага, Тошкент шаҳрида ўтказиладиган асосий байрам томошаси дастурини тайёрлаш бўйича ижодий гуруҳ таркиби 2-иловага, байрамнинг бадиий дастури учун ғоявий тавсиялар 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика ва ҳудудий комиссиялар Мустақиллик байрамини пойтахт Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, юртимиздаги барча шаҳар, туман ва қишлоқларда юқори савияда уюшқоқлик билан ўтказишга қаратилган ташкилий-амалий тадбирлар ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирлик ва идоралар ўн кун муддатда:

— Мустақиллик байрамини ўтказиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиб, республика комиссиясига тақдим этсин;

— жойларда ўтказиладиган байрам дастурларини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш учун янги ижодий кучларни, ёш истеъдод эгаларини кенг жалб қилсин;

— байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ҳудудий комиссияларнинг таркибини хавфсизлик ва жамоат тартибини сақлаш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқсин.

4. Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссияси, оммавий тадбирлар, бадиий дастур ва томошаларнинг маъно-мазмунига оид таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ўтказиладиган байрам тадбирларининг умумий ғоявий-бадиий концепциясини ишлаб чиқсин (3-иловада баён этилган ғоялар, тушунча ва қарашлар асосида).

5. Мустақиллик байрамини ўтказиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 июлдаги 357-сон қарорининг 3-бандида белгиланган тартибда амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазир Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 15 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Андижонда рўй берган воқеаларни текшириш бўйича мустақил парламент комиссияси аъзолари билан олиб борилаётган текширув ишлари ҳамда Андижон шаҳри ва Андижон вилоятида вазиятни барқарорлаштириш юзасидан Ўзбекистон ҳукумати кўраётган чора-тадбирлар мониторингини амалга ошириш бўйича мамлакатимизда аккредитация қилинган хорижий дипломатик корпус вакилларидан иборат ишчи гуруҳининг учрашуви бўлиб ўтди.

Парламент комиссияси раиси М.Йўлдошев дипломатларни комиссия олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш бўйича олиб борилаётган ишларнинг дастлабки натижалари билан таништирди. Унинг сўзларига кўра, асосий эътибор Андижон воқеаларининг барча жиҳатларини синчковлик билан текшириш ва ҳар томонлама таҳлил этиш, уларни юзага келтирган сабаблар ва бу жиноий ҳаракатлар ортида турган кучларни аниқлаш, шунингдек, ҳукумат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳаракатларини таҳлил қилиш ва ҳуқуқий баҳолашга қаратилди.

Комиссия иш фаолияти давомида унинг аъзолари Андижон шаҳри ва Андижон вилояти раҳбарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жамоат ташкилотлари ва маҳалла қўмиталари вакиллари, тергов комиссияси аъзолари, оддий фуқаролар билан кўплаб учрашув ва суҳбатлар ўтказди. Жангарилар ҳужум қилган объектлар, улар ёқиб юборган маъмурий ва маданий бинолар кўриб чиқилди. Парламент аъзолари тергов комиссиясининг дастлабки материалларини, жиноий ҳаракатлар ташкилотчилари ва ижрочиларига нисбатан маҳаллий ҳокимият ва ҳуқуқни муҳофаза килиш органлари томонидан кўрилган чораларни диққат билан ўргандилар. Андижон воқеалари давомида ҳалок бўлганлар сони бўйича тергов комиссиясининг маълумотлари ва хорижий манбаларда келтирилган рақамларни таққослаб кўриш ишлари олиб борилди.

Парламент комиссияси ўтказилган учрашув ва суҳбатлар чоғида олган материалларнинг дастлабки таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, қуролланган ҳужум четдан туриб пухта режалаштирилган ва бошқарилган. Бунда муайян ҳудудда ҳокимиятни қўлга олиб, кейинчалик мамлакатда ва бутун Марказий Осиёда вазиятни издан чиқариш ғараз ният бўлган.

Тошкентда аккредитация қилинган хорижий дипломатлардан иборат ишчи гуруҳ яқин кунларда Андижон шаҳри ва Андижон вилоятига боришни режалаштирмоқда.

ЎзА

ИШЛАГАНГА — ИМКОНИЯТ КЕНГ

Тошкент вилояти

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Наргиза Жамолова (чапдан иккинчи) Янгийўл тумани Тадбиркор аёллар уюшмаси раиси. Ўз навбатида Гулбаҳор кўрғони ҳудудида ўқув-ишлаб чиқариш цехи фаолиятига бош-қош. Бу ерда турли кийим-кечаклар ишлаб чиқариш билан бирга хотин-қизларга ҳунар сирлари ўргатилади.

Президент фармонларини, қарорларини ўқиб...

Ўзбекистонда хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган ушбу қоида талабларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мақсадида мустақиллик йилларида мамлакатимизда изчиллик билан жорий этилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ўзининг амалий натижаларини бермоқда. Бугунги кунда нафақат маҳаллий тадбиркорлар, балки хорижий экспертлар ҳам юртимизда хусусий бизнес ва тадбиркорлик муҳити талаб даражасида эканини эътироф этмоқдалар.

Президентимиз Ислом Каримов ўтган ҳафтада имзолаган янги фармонлар бу борада навбатдаги муҳим қадам бўлди. Гап, албатта, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қарори ҳақида бормоқда.

Дарвоқе, куни кеча шу туркумдаги ҳужжатларнинг давоми — Президентимиз 20 июнда имзолаган «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармон эълон қилинди.

Ишбилармонлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари, фермерлар, умуман, кенг жамоатчилик бу ҳужжатлар билан танишиб, уларни «ислоҳотларни янги босқичга кўтариш пойдевори», «туб ўзгаришлар учун ҳуқуқий асос», «янги имкониятлар берадиган янги дастурлар», «тадбиркорга қанот бағишлаган чора-тадбирлар» ёҳуд «адолатнинг амалдаги ифодаси» дея юқори баҳоламоқдалар.

Бу бежиз эмас, албатта. Ушбу ҳужжатлар, аввало, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти асоссиз чекланишига йўл қўймаслик борасида муҳим аҳамият касб этади.

Даставвал, ушбу ҳужжатлар шу кеча-кундузда туғилган фикр-мулоҳазалар ҳосиласи эмас, аксинча, Президентимиз шу йил 28 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида белгилаб берган устувор вазифаларни изчил амалга ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми эканига эътибор қаратиш жоиз.

Юртбошимиз ўз маърузасида асосий устувор вазифа ўзгармас, яъни бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришдан иборат эканига урғу берар экан, шуни қатъий таъкидлаган эди: «мамлакатни модернизация қилиш ва аҳолига муносиб турмуш шароити яратиб бериш борасида ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларимиз ҳамда минтақа ва жаҳон бозорларида рўй бераётган ўзгаришлар, кучли талаб ва рақобат иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни объектив шарт қилиб қўймоқда».

Шу ўринда Президентимиз талабидан келиб чиқиб, жойларда бозор ислоҳотларини ривожлантириш ва чуқурлаштиришга тўсқинлик қилаётган омилларни бартараф этиш ҳамда ушбу соҳада қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларни амалга жорий этишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш бўйича ишларнинг аҳволи танқидий-таҳлилий ўрганилганини қайд этиш зарур. Шу асосда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиётни эркинлаштиришнинг асосий мақсад, вазифа ва устувор йўналишларини рўёбга чиқаришга қаратилган қонунлар ва ҳуқуқий-норматив ҳужжатларнинг рўйхати тузилган эди.

Бугун биз аҳамиятини таъкидлаётган Президент фармонлари ва қарори ислоҳотларнинг амалдаги босқичида хусусий тармоқнинг жадал ривожланишини, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши кўпайишини таъминлашга ва, умуман, иқтисодиётни эркинлаштириш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган, қабул қилиниши кўзда тутилган ана шу туркум ҳужжатларнинг дастлабкиларидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу ҳужжатларнинг ҳар бири, ҳар бир ҳужжатдаги алоҳида модда, ҳар битта қоиданинг ўзи ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Мисол тариқасида «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонни олсак, унда 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўлланиш тартиби жорий этилиши белгиланган. Ушбу қоида дунёнинг ривожланган давлатлари каби мамлакатимизда ҳам текширишлар натижалари бўйича молиявий ва маъмурий жазоларни фақат суд томонидан тайинлаш тизимига ўтилаётганидан далолат беради. Таъбир жоиз бўлса, бу фақат давлат тузилмаларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашувини янада кўпроқ ва янада қатъийроқ чеклашга қаратилган таъсирчан чора бўлибгина қолмай, айни чоғда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти талабларига хос муҳим тамойил - адолатни одил судлов орқали қарор топтиришни таъминлаш йўлидаги яна бир жиддий қадамдир.

Мазкур фармонда, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати органлари, улар томонидан текшириш давомида солиқ ва валютага оид жиноят аломатлари аниқланган тақдирдагина — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш департаменти томонидан амалга оширилиши қайд этилган.

Мутахассисларнинг фикрича, фармоннинг биргина шу қоидаси хусусий тадбиркорлик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш билан шуғулланадиган, тадбиркорлар иборасича, «ортиқча даҳмаза» бўлган йигирмадан ортиқ назорат органи фаолиятига чек қўяди.

Давоми 2-саҳифада

Ёлғоннинг умри қанча?

Юртдошларимиз орасида ушбу ибора қачон ва қайси маънода қўлланишини мақоламиз "қаҳрамони" билади. Билганда ҳам яхши билади, чунки у шу юрт фарзанди, нақл, иборалар маъносини чақа олади — чунки у ижодкор. Лекин унга амал қилмайди. Мақола шу ҳақда яъни унинг ўзи ишонган ҳақиқатни бузиб кўрсатиши ҳақида. Нимани эвазига?!

ОСМОНГА ТУПУРСАНГ...

Ҳа, Андижон шаҳрида содир этилган мудҳиш воқеаларнинг эртаси куни — 14 майда бўлиб ўтган матбуот анжуманида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов журналистларни воқеаларни ёритишда холис бўлишга чақирар экан, жумладан, четдан келган ва ўзимиздан чиққан айрим сафсатабозлар юзаки қарашларини, уйдирма гапларини тарқатиб турмаса уларга ҳеч ким ҳақ тўламаслиги, бундай сафсатабозлар айнан шунинг учун фаолият кўрсатаётганига эътиборни қаратгани бежиз эмас экан.

Ростдан ҳам, ўтган бир ой вақт ичида юртимиз, кишиларимиз қанча бўҳтону уйдирмаларга, тўрфа маломатларга дучор бўлмади-я. Ватанимизга, халқимизга етти ёт бегоналар бизга оқибат кўрсатмагани, аксинча, ёлғондан ҳазар қилмай, чиллаки чиллакини кўриб чумак урганидек, бир-бирига басма-бас туриб шаънимизга номуносиб бўҳтону иғволар ёғдиргани хўп-хўп.

"Ўзингдан чиққан балога, қайга борасан давога" деганларидек, Ўзбекистон аталмиш шу юрт тупроғида киндик қони томган, шу замин, шу офтоб, шу сув, шу ҳаводан баҳра олиб шу юрт одамлари ардоғида вояга етган, аммо эл-юртнинг юзига оёқ қўйган, тузлиғига тупурган, Ватанига туҳмат тошларини отиш, халқига маломат қилишни одат қилган айрим нонкўрларнинг қилмишига нима дейсиз?!

Шундайлардан бири Би-Би-Си мухбири Матлуба Азаматованинг Андижон воқеалари билан боғлиқ чиқишлари ҳам бошдан-оёқ ҳақиқатдан йироқ, саёз хулосалар, бир ёқлама қарашлар, тўғрироғи, ғараз ва кин билан тўлиб-тошган.

Андижон воқеаларидан кейинги даврда, М.Азаматова ўз репортажи сарлавҳасида айтганидек, "одамлар умидсизлик гирдобида" қолмади. Аксинча, Андижон аҳли содир этилган хунрезликларни қаҳру ғазаб билан кескин қоралади. Шунинг баробарида, шаҳар аллақачон тинчосуда ва кундалик ҳаёт маромига қайтди.

Давоми 2-саҳифада

Mahalla

— Яна нима дейди?
— Тадбиркорга янги қулайликлар яратилди, — дейди.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА АЙНИ КУНДА ҲАМ ЙИЛНИНГ ҚОЛГАН ҚИСМИ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. 2005 ЙИЛДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГ!

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«M.R».— белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ҒОЛИБ АНИҚЛАНМАДИ

Эронда давлат раҳбарлиги учун сайловнинг биринчи босқичи якунланди. Унда кураш олиб борган 7 нафар номзоднинг бирортаси ҳам етарли даражада овоз тўплай олмади.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарга қараганда, мазкур сиёсий тадбирда 29 миллион киши, яъни сайловчиларнинг 60 фоиздан ортиғи иштирок этган.

Маҳаллий оммавий ахборот воситалари сайловда рўйхатга олинганларнинг кўпи билан 55 фоизи иштирок этишини тахмин қилган эди. Бу тўғри чиқмади. Яқинда АҚШ вакиллари Эрондаги сайлов демократия тамойиллари асосида ўтмаслиги ҳақида гапирганди. Хорижий журналистлар аҳолининг бу даражадаги сиёсий фаоллигини ушбу фикрга нисбатан билдирилган норозилик сифатида изоҳлади.

Президент сайловида ғолиб бўлиш учун номзод тўплаган овоз 50 фоиздан кўпроқ бўлиши шарт. Маълумотларга қараганда, сайловда Эроннинг собиқ президенти Али Акбар Ҳошимий-Рафсанжоний ҳамда Теҳрон шаҳри ҳокими Маҳмуд Аҳмадий Нажод бошқаларга қараганда кўпроқ овоз тўплашга муваффақ бўлган. Улар иккинчи босқичда курашни давом эттирадилар.

Ички ишлар вазирлиги берган маълумотларга қараганда, сайлов тинч ва осойишта ўтган. Овоз берувчиларга тазйиқ ўтказиш ҳолатлари, намойиш ва тартибсизликлар кузатилмаган. Участкаларда турли тарғибот воситаларидан фойдаланишга, хусусан, номзодлар сурати осилишига йўл қўйилмади.

Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ИШЛАГАНГА – ИМКОНИЯТ КЕНГ

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Холисона айтганда, шу пайтгача давраларда, ўзаро суҳбатларда хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи аксарият ҳамюртларимиз турли текширувчилару тафтишчиларнинг тинимсиз «келди-кетди»си билан боғлиқ оворагарчиликлардан хуноб бўлиб гапирганига кўп бор гувоҳ бўлганмиз. Ўзингиз ўйлаб кўринг: корхонага битта текширувчи келса, аввало, ишлаб чиқариш жараёнига қанча салбий таъсир этади. Шу корхона раҳбари ва ходимларининг неча-неча иш куни, иш соатларидан барака кетади. «Кўнгли нозик, томоғи тешик» тафтишчининг тадбиркорни анча-мунча сарф-харажатга туширадиган баъзи бир «ноз-фироғ»ларини-ку асти қўяверинг.

Ҳатто, аввалига кўтаринки кайфият билан ўз бизнесини очган тадбиркор шу қабилдаги муаммоларга дуч келиб, аниқроғи, топган даромадини нафси ўпқон текширувчиларга едириб, алал-оқибат, фойда олиш у ёқда турсин, бизнесга сарфлаган харажатини ҳам қоплай олмай, ҳафсаласи пир бўлиб, ўзини секингина четга тортган ҳоллар ҳам кўп учрарди.

Маълумки, иқтисодиётда «муқобил текшириш» деган тушунча бор. Фармонда ана шу тушунча амал қиладиган жараёнларга янгича, холисона ёндашилганини кузатиш мумкин. Бундан буён фақат қўзғатилган жиноий иш юзасидан текширишни тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки шундай текширувларни ўтказиш тўғрисида назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарори мавжуд бўлгандагина қонунда кўзда тутилган ҳолларда тадбиркорлик субъектининг текширилаётган хўжалик юритувчи субъект билан ўзаро муносабатларинигина муқобил тарзда текширишга йўл қўйилади.

Илгари хусусий корхонага муқобил текшириш деган баҳонаю-сабаб билан келган текширувчи бафуржа ўтириб олиб, албатта, «фалон папкани келтиринг, пистончи қоғозлар қани» дея тадбиркорни жон-ҳолига қўймасди. Энди эса муқобил текширишларни ўтказиш чоғида нафақат тадбиркорлик субъектларига бориш, балки улардан текширишга таллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ҳам ман этилади.

Президент Фармони билан бу каби бемазагарчиликларга қатъий барҳам берилди, бошқача айтганда, хусусий тадбиркорлик ташаббуси ривожига йўл очмай, уни зулукдек сўриб келган коррупциянинг илдизига болта урилди.

Эндиликда текшириш ҳуқуқини сақлаб қолган ягона идора — давлат солиқ хизмати органлари ҳам ўзларининг ноқонуний қарорлари ёки шу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида тадбиркорлик субъектига зарар етказилгудек бўлса, бундай зарарнинг ўрни суд қарори асосида тўла ҳажмда бевосита ана шу давлат органлари томонидан, биринчи навбатда, уларнинг бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобига қопланиши белгиланди.

Бошқа бир мисол — Ўзбекистон Президентининг «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ шу йил 1 июлдан бошлаб микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича барча ҳисоб-китобларни давлат солиқ хизмати органларига ҳар ойда тақдим этишдан ҳар чорақда тақдим этишга ўтилади.

Бу билан, биринчидан, тадбиркорлик субъектлари ортиқча қоғозбозлик юкидан халос этилган бўлса, иккинчидан, тадбиркорлик соҳасидаги ҳисобот тизими ва уни тақдим этиш тартибини халқаро амалиётга мувофиқ тарзда такомиллаштириш йўлида муҳим қадам қўйилди.

Ушбу қарорнинг яна бир аҳамияти шундаки, унга кўра энди тадбиркорлардан қўшимча ҳисоботни ноқонуний талаб этиш ҳолларига йўл қўйилмайдиган тартиб жорий этилмоқда.

Юртимизда тадбиркорлик янада равнақ топишига хизмат қиладиган бундай қоидалар нафақат ушбу ҳужжат, шунингдек, номи юқорида зикр этилган бошқа фармонлар ва қарорларнинг ҳам асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Президентимизнинг ушбу фармонлари ва қарори нафақат бугунги иқтисодиётимиз тараққиётига, балки мамлакатимиз келажагига, халқимиз фаровонлигига эришишга ҳам хизмат қилиши шубҳасиз.

Зеро, бу дастуриламал ҳужжатлар давлатимиз раҳбари истиқлолнинг дастлабки йилларида белгилаб берган беш тамойил асосида, муайян натижани кўзлаб, босқичма-босқич ва тўхтовсиз амалга ошираётган кенг кўламли ислоҳотларимиз изчиллигининг ўзига хос мезонидир.

Ғулом МИРЗО,
ЎзА шарҳловчиси.

Сурхондарё вилояти



ПОСБОННИНГ ЮМУШЛАРИ

Ангор туманидаги Навоий номли қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган маҳаллаларда аҳоли турмушининг тинч ва осуда ўтишини таъминлаш мақсадида маҳалла посбонлари туман ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда турли тадбирлар ўтказиб келишмоқда. Хусусан, маҳаллаларга келиб-кетувчиларни қатъий назорат остига олиш, фуқароларнинг паспорт тизимига амал қилишларини текшириш, ёшлар ўртасида турли жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш посбонлар диққат-эътиборидаги энг асосий масалалардан. Айниқса, Андижонда юз берган воқеалардан сўнг улар бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтирдилар.

СУРАТДА: *Зартепа маҳалласи посбони Нуриддин Бердиалиев ҳудудда ўтказилаётган рейд чоғида.*

« M.R» **Жиззах вилояти**

МАҲАЛЛА ОБОД – ШАҲАР ОБОД

Минг йиллик тарихга эга Жиззах шаҳрига қадам қўйишингиз билан димоғингизга анвойи гулларнинг муаттар ҳиди урилади. Унинг ҳамма шоҳ кўчаларига анвойи гуллар экилган. Қалбингизда эзгулик туйғуларини жўш урдирадиган, гўзалликка чорлайдиган гуллар табиатнинг сеҳри, инсоннинг меҳри билан барқ ураяпти.

Жиззах шаҳар ҳокимлиги томонидан табаррук ёшга етган нуроний отахон ва онахонларга, эҳтиёжманд инсонларни қадрлаш ишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

СУРАТДА: *ана шундай тадбирдан лавҳа.*

— Маҳаллаларнинг ўзиниўзи бошқариш органи сифатидаги ваколатларини тан олган ҳолда кўпгина йўналишлар — ободончилик, осойишталикни сақлаш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этиш борасида амалий ҳамкорликни йўлга қўйганмиз, — дейди Жиззах шаҳар ҳокими, республика Олий Мажлиси сенати аъзоси Ҳакимжон Иноъмжонов. — Маҳалла фаоллари, оқсоқоллар ҳокимликнинг ободонлаштириш борасида белгиланган режаларини амалга оширишда яқиндан кўмак бермоқдалар. Шаҳримиз қиёфаси кейинги йилларда таниб бўлмас даражада ўзгарди.

— Шаҳримиз ҳудудида 32 та маҳалла бор, — дея суҳбатимизни давом эттирди "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлинмаси раисининг ўринбосари Меҳри Умарова. — Ривожлантириш бўйича самарали ишлар амалга оширмоқда. Кейинги йилларда 18 та гузар қурилгани, кўплаб кишилар иш билан таъминланганидан шаҳримиз аҳли хурсанд. Ибратли тадбирлар ўтказиш эса анъанага айланиб қолган.

Мирзо Улуғбек номли маҳалла фуқаролар йиғини ўз фаолияти билан шаҳардаги бошқа маҳаллаларга ибрат экан. Йиғинга катта ҳаёт ва фаолият тажрибасига эга инсон Раҳмат Бозоров раислик қилади. Бу маҳалла оқсоқоли "Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли" республика кўрик-танловида иккинчи ўринни эгаллади. Маҳалланинг 9-11 ёшли болалари "Футболимиз келажаги" кўрик-танловининг республика босқичида иккинчи ўринни эгаллаб, жамоатчилик таҳсинига сазовор бўлди. Айниқса, маҳалла марказининг гузарида аҳолига 14 хилда маданий-маиший ва савдо хизмати кўрсатилаётгани кўпчиликка маъқул бўлмоқда.

Шу йилнинг апрел ойида Жиззах шаҳрида миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари республика анъанавий фестивали бўлиб ўтди. Республикамизнинг ҳамма бурчакларидан ташриф буюрган меҳмонлар жиззахликларнинг меҳмондўстлигига, меҳнатсевалигига тасаннолар айтдилар.

Шаҳардаги Олмазор, Жиззахлик, Оққўрғонлик, Ўратепа, Қалия, Маданият, Навоий номли ўнлаб маҳаллаларда олиб борилаётган намунали ишлар эл оғзига тушди.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Ёлғоннинг умри қанча?

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Би-Би-Си мухбирининг ўзи ҳам буни эътироф этиб: "Андижондаги Янги бозор одамлар билан гавжум, бир қараганда бу ерда ҳеч нима бўлмагандай. Бозор ичида савдо-сотиқ давом этяпти", дейди. Лекин М.Азаматова ўз кўзи билан кўриб, онгу шуури билан ҳис этиб турган ана шу оддийгина ҳақиқатни борича баён этадиган бўлса, "буюртма"да айтилган мавзу бир четда қолиб кетади, бу эса уйдирма учун ваъда қилинган мўмайгина қалам ҳақидан умид узиш дегани эди.

Шу боис "чаққон мухбир" андижонликлар террорчиларни қўллаб-қувватламагани, уларга қўшилмагани, айрим адашганлар эса қилмишига пушаймон бўлиб халқимиздан, Президентимиздан кечирим сўраб, оила аъзолари ва маҳалла фаоллари кафиллигида тинч ҳаётга қайтаётгани, ҳатто жангарилар бўшатиб юборган маҳбусларнинг аксарияти ўз ихтиёри билан ҳибсхоналарга қайтиб келгани, террорчиларнинг зуғуми остида қўшни давлат ҳудудига чиқиб кетган хотин-қизлар, ёшлар ҳам ўз хоҳиш-ихтиёри билан астасекин уйларига келаётгани, Андижон аҳли бир тўда нобакорлар айби билан путур етган юрт обрўсини ўз бунёдкорлик ишлари, истиқлолга садоқати билан тиклашга қатъий киришгани, Андижон ёшлари ўқиш, иш ва спорт жабҳасида наинки мамлакатда, ҳатто дунё миқёсида катта ютуқларга эришаётгани каби қатор ижобий омилларни жимгина четлаб ўтади.

Бунинг ўрнига, М.Азаматова Андижонда ҳар қадамда ҳарбийларга дуч келганидан ёзғиради. Бир ўринда у: "Боғишамолга кириш йўлларида яна ҳарбий ҳолатга кўзим тушади. Қумлар тўла қоплар ортига яширинган куролли зобитлар киши юрагига ваҳима солади", дейди. Қизиқ, М.Азаматованинг юраги ҳам "буюртма"га мос ҳаракат қилади, чамамда. Йўқса, аввало унинг юрагига Андижонда бир тўда нобакорлар уюштирган хунрезликлар сезги бермасмиди?! Лекин Би-Би-Си мухбирининг тақиқлар, тазйиқлар ҳақидаги ваҳимали уйдирмаси, аниқроғи "ҳарбий ҳолат" тўғрисида ҳеч қандай тушунчага эга бўлмай туриб, ўзи ҳам, юраги ҳам "заказной" ишлаётгани кейинги жумладаноқ фош бўлиб қолади: "Такси ҳайдовчиси қалтираб юриб паспортини постдаги зобитларга узатади. Ҳужжатни синчиклаб текширган зобит Боғишамолга киришга рухсат беради".

М.Азаматованинг ҳарбийларимизга нисбатан "кўнгил изҳорлари"ни ўқиб, беихтиёр буюк француз ёзувчиси Ги де Мопассаннинг "Дўндиқ" новелласи бош қаҳрамони кечинмалари эсга тушади. Аслида енгилтаклик билан кун кўрадиган "Дўндиқ" лақабли жувон ўтган аср аввалида прусслар томонидан босиб олинган Франция шаҳар ва қишлоқларини кезиб юриб, босқинчи аскарларга нақадар чексиз нафрат туйғуси билан қарагани моҳирлик билан тасвирланган.

Аёнки, Матлубахон – "Дўндиқ" бўлмаганидек, Андижон ҳам чет давлат қўшинлари босиб олган тобе юрт эмас.

Боз устига, Андижонда бугунги тинчлик-осойишталикни сақлаб турган, шунингдек, Ватанни, халқни, мустақилликни ҳимоя қилиш йўлида қаҳрамонларча жон берган, террорчилар ўқидан ярадор бўлиб шифохоналарда даволанаётган неча-неча ўзбек ҳарбийлари қандайдир "оккупант"лар эмас, балки ўзимизни қўриқлаётган ўзимизнинг қорақўз йигитлар.

Бу йигитларнинг бешик ва суннат тўйларида, никоҳ базмида, диплом ҳимоясида, "солдат келди"сида, умуман, яхши кунларида эл қатори М.Азаматова ҳам иштирок этган, эзгу ниятлар изҳор этган бўлса, не ажаб.

Шу маънода, киши бу қадар иккиюзламачилик қилиши – ўз ўғли, укаси, акаси, ёри, қўни-қўшниси, яқинлари, элатдошлари шаънашавкатини ҳеч бир сесканмай балчиққа булғаши учун қанчалик тубан кетиши керак экан, билмадик. Ҳар ҳолда, Чингиз Айтматов асаридаги салбий қаҳрамонлардан бири сингари манқуртлашмай туриб, одам боласининг бу тариқа нокаслик қилиши мушкулдир-ов.

М.Азаматованинг уйдирмага "хамиртуруш" излаб борадиган жойлари ҳам "заказной" – "Акромийлар" етакчиларининг хонадонлари, ўққа учган жангарилар кўмилган қабристонлар ва бошқа шу каби "ягона мақсадга аниқ йўналтирилган" манзиллардан иборат.

Андижон воқеаларини ёритишда М.Азаматованинг нохолис ёндашуви шунчаликка борадики, жабрдийдалар сифатида жангарилар аҳлу аёллари билан мулоқотда бўлиш учун "тегишли" таъзияли хонадонларни бемалол топиб борган мухбир, айтайлик, ўша машъум тунда қамоқхонадан бўшалгач, уйига келиб ўз ўғлини ўлдирган ашаддий қотил маҳбуснинг хонадони ҳам, юрт, халқ тинчлиги учун хизмат қилиб вафот этган йигитлар, шунингдек, бегуноҳдан бегуноҳ ваҳшийлар қурбони бўлганлар хонадони ҳам азадор эканини бирров хаёлига келтирмайди.

"Буюртма"чилар, шак-шубҳасиз, бу хонадонларга таъзия билдириш ва мавжуд аҳволни жаҳон жамоатчилигига сўзлаб беришни мухбирнинг "дастури"га киритмаган кўринади. Илло, ушбу фожеалар билан боғлиқ фактнинг ошкор этилиши М.Азаматова каби лўттивозлар мусичадек беайб қилиб тасвирлашга уринаётган террорчиларнинг мудҳишликларини яшириб турган яна бир қават пардани очиб ташлаган бўлур эди-да!

Азбаройи холислик ҳаққи айтингчи, муҳтарам ўқувчи, нима учун Тошкентдан Андижондаги узоқ манзилларни излаб боришга имкон топган мухбир пойтахтимиздаги Қорасув даҳасида яшаётган Улуғбек ва Ширин Жўраевлар оиласига таъзия билдиргани боришга фурсат ажрата олмади? Наҳотки, бу оиланинг дилбанди – капитан Баҳром Жўраев халқимиз тинчлиги ва осойишталигини муҳофаза қилиш йўлида Андижон кўчаларида қаҳрамонларча ҳалок бўлгани М.Азаматованинг хаёлидан фаромуш бўлган?

Албатта, буни гапнинг ройишига қараб айтдик, холос. Бу хонадондан ҳол сўровчилар шундоқ ҳам кўп бўлди, бу хонадон сари ошиққанлар билан бутун кўча тўлиб-тошди. Аслида, Ватан ўз қаҳрамонларини унутмайди. Марҳум Баҳромжон укамиз Ўзбекистон Президентининг Фармонига мувофиқ "Шон-шараф" ордени билан мукофотлангани, унинг порлоқ хотирасини бугун бутун халқимиз ёд этаётгани фикримизнинг яққол далилидир.

Ҳа айтгандай, Мопассаннинг лирик қаҳрамони — француз хонимча, айни пайтда эл орасида фоҳишабозлиги билан танилган, енгилтак аёл ҳам ўтган аср бошларида ўз юртига бостириб кирган прусс ҳарбийларига нафратини изҳор этади.

Албатта, биз Мопассан новелласи баҳонасида М.Азаматовадек муштипар ожизани енгилтак аёл билан қиёслаш фикридан мутлақо узоқмиз. Худо сақласин! Йўқ, мақсадимиз — бу эмас. Қолаверса, бу қонунларимизга ҳам, динимизга ҳам, оддий одамгарчиликка ҳам тўғри келмайди.

Айни чоғда, биз ушбу миллатдошимиздан ҳатто фоҳишаларда ҳам бор элпарварлик, ватанпарварлик туйғуси нега сизнинг қалбингизда қаҳатга учраган, деб сўрашга ўзимизни маънавий ҳақли деб ҳисоблаймиз.

Кези келганда, М.Азаматовага уни бино қилган, ўсиб-улғайиб қай бир йигитнинг суюмли ёри, гулдек оиланинг матлуб инсони бўлиб юрсин деб яхши ният билан шу исмни қўйган ота-онаси, "Матлубахон" деб жуфт ном билан эркалатган оила аъзолари, яқинлари, қариндош-уруғлари, боғча опалари, муаллиму устозлари, дўст-дугоналари, эрта бир кун ошини ошаб-ёшини яшаб у дунёга йўл олганида (зотан, ўлим ҳаммамиз учун ҳақ!) тобутини елкалайдиган маҳалла-кўй борлигини, бир сўз билан айтганда, шу эл тилида: "Ўғри бўл, ғар бўл – инсоф билан бўл", деган бир оз даҳал, аммо адолатли нақл борлигини ҳам эслатишга бурчлимиз.

Ҳозирча тили бийрон, қўл-оёғи чаққон, жиғилдонидан бошқа ғами йўқ, эл қайғуси, юрт ташвиши тўпиғига чиқмайдиган М.Азаматова ва унга ўхшаш баъзи бир "хорижийлашган" мухбирларга иш берувчи, бундайларни сахийларча рағбатлантирувчи "соҳиб"лар ўнгда ҳам, сўлда ҳам топилиб туриши турган гап. Аммо-лекин бир неча ўн минглаб британиялик ходимларини ўйламай-нетмай ишсиз, маошсиз қолдираётган Би-Би-Си эрта бир кун "инқилоб" сўзини ҳам инқиллаб айтадиган, қариб-қартайган, "шарти кетиб парти қолган" ўзбекистонлик икки-уч нонкўр-нонхўр ходимининг баҳридан ҳам ўтиб қўя қолиши эҳтимолга яқинроқ.

Ҳар тугул, М.Азаматова кабилар эртанги кунни бугундан ўйлагани, яъни ҳозир ўзлари обрў-эътиборига беаёв балчиқ чаплаётган шу давлат ғазнасидан, барибир, қачондир нафақа умидвор бўлиб, ўзлари қадр-қимматини оёқ ости қилаётган шу эл ичида қарилик гаштини суриши кераклигини ёдда сақлаганлари маъқулми, деймиз-да...

Алқисса, "кўк" қоғозлар рангидан кўзи битиб, эси кетиб қолган айрим сафсатабоз ватандошларимизнинг айбу гуноҳлари, аввало, ўз виждонларига ҳавола. Зотан, охиратда ҳар ким қилмиши учун ўзи жавоб беради. Сариқ чақа ҳисобига ўз элига, юртига тупураётган бундай юзи шувитлар тупуги ўзига қайтишини англаб етмагани ачинарли, холос.

Чори ЛАТИПОВ,
журналист.

ОСМОНГА ТУПУРСАНГ...

Самарқанд вилояти

80 ЁШЛИ ШАХМАТЧИ ОНАХОН

Мирсаид Барака маҳалласи Самарқанд шаҳридаги кўзга кўринган маҳаллалардан. Унда етти юзта оила истиқомат қилишади.

Маҳалла марказига борганимизда маҳалла раиси Суннат ака Кўбаев бошлиқ оқсоқоллар маҳалла ёшлари, ҳуқуқ тартибот органи вакиллари ва имом-ҳатиблар иштирокида "Маҳалла тинч, юрт тинч", "Биз терроризмга қаршимиз" шиори остида давра суҳбати ўтказаётган экан.

СУРАТДА: *Мирсаид Барака маҳалласининг спорт мажмуида шахмат-шашка ва стол тенниси бўйича бўлиб ўтган оилавий мусобақалардан лавҳа.*

— Биз бундай тадбирларни тез-тез ўтказиб турамиз ва бу ўз натижаларини бермоқда, — дейди оқсоқол. — Маҳаллада Ўзбекистонда хизмат кўрсатган деган шарафли мақомга сазовор турли соҳа ходимлари, ўқимишли, зиёли кишилар кўпчиликни ташкил қилади. Улар иштирокида ўқув муассасаларида учрашувлар ўтказамиз. Кам таъминланган, моддий мададга муҳтож оилалар ҳолидан хабар оламиз, муаммоларни маслаҳатлашиб ҳал қиламиз.

Дарвоқе, ана шундай ҳамжиҳатлик, оқсоқолнинг тадбиркорлиги туфайли маҳаллада турли тадбирлар ва тўй маросимларини ўтказишга мўлжаллаб, ўн беш миллион сўмга замонавий тантаналар зали қурилиб, жиҳозланди. Маҳалладаги барча тадбирлар шу ерда камчиқим ва чиройли ўтмоқда. Марказ қошида қурилган новвойхона, ошхона, маданий-маиший хизмат шахобчалари фаолиятидан аҳоли мамнун.

Маҳаллада соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, оилавий спортни оммалаштириш, ёшларни жисмонан ва ақлан соғлом қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилган. Маҳалланинг махсус спорт мажмуаси бўлиб, унда шахмат-шашка, стол тенниси, каратэ каби ўнга яқин спорт турлари билан юзлаб маҳалла ёшлари шуғулланиб келишмоқда.

— Каратэ клуби ташкил топганига ҳали кўп вақт бўлмасада, ёшларимиз вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган мусобақаларда ижобий натижаларга эришмоқда, — дейди клуб раиси, каратэ бўйича беш карра республика чемпиони Андронин Акопов. — Бугунги кунда клубимизга элликдан ортиқ ёшлар аъзо, шароитимиз яхши. Болалар сони кун сайин ортиб бормоқда. Маҳалламиз ёшлари юртимиз байроғини халқаро ареналарда баланд кўтариб, халқимизга муносиб фарзанд бўлиб етишса, бизга шунинг ўзи кифоя.

Маҳаллада нафақат ёшлар, балки фахрий отахону онахонлар ҳам спорт билан шуғулланишади. Ҳар бир байрамда оилавий спорт мусобақалари ўтказилиб турилади. Яқинда ўтказилган ана шундай мусобақаларда саксон ёшли онахон Саломат Юсупованинг шахмат бўйича шаҳарда биринчи ўринни эгаллаганлиги ҳам бу ерда спортнинг нақадар оммалашганидан далолатдир.

Рустам ҲАЙИТОВ,
"Mahalla" мухбири.

Қишлоқ фуқаролар йиғини фаолиятидан

Сурхондарё вилояти

ИЛҒОРЛИК БЕРГАН ИМКОН

Элбаян станциясидан кейин ҳам Шўрчи шаҳрига боришда ҳийлагина юриш керак. Йўл-йўлакай обод ва кўркам қишлоқларнинг нашъу намосига мафтун бўлганингиз қолади. Бора-боргунча йўл бўйлаб экинлар, дарахтлар ва гуллардан кўзингиз қамашади. Айнан мана шу ҳудуд Шўрчи қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли. 6 маҳалла, 17 мингга яқин аҳолига қулай турмуш шароитларини яратиш қишлоқ йиғини раиси Қарши Бекмуродов зиммасида. У ўн икки йилдирки, ана шу вазифада ишлаб келаяпти.

Оқсоқоллик—элчилик. Бу ишни битирсанг, бошқаси чиқиб турибди. Ҳар бир маҳалланинг, ҳар бир хонадоннинг ўз ташвиши бор. Масалан, Ҳурлик маҳалласидаги иккита муаммо ҳеч унга тинчлик бермас, ҳал қилишга имконият қидирарди. Ниҳоят, маҳалла оқсоқоли Бозор Поёнов билан маслаҳатлашиб бир тўхтамга келинди. Оқсоқол ҳашар йўли билан Ойнакўлга ўтадиган Қумқўрғон канали устига кўприк қуриш ташаббуси билан чиқди. Хайрли ишнинг савобталаб одамлари ўртага тушди. Кўприк қисқа вақтда қуриб битқазилди. Иккинчи бир муаммо қабристонни обод этиш эди. Бу ишни ҳам халқнинг зиммасига ташлаш керакми? Ана шунда яхшилардан ақлли фикр чиқди. Деярли ҳар бир хонадонда қўй сўйилади. Маҳалла оқсоқоллари фаоллар билан кенгашиб қишлоқ хонадонларида сўйилган молларнинг терисини йиғиб олдилар. Керакли кишилар орқали пулланди. Шунинг ўзидан 500 минг сўм даромад. Бу маблағ қабристонни обод этиш, атрофини таъмирлашга сарфланди.

Қораариқ ва Ойнакўлнинг марказдан узоқлиги туфайли баъзида оддий бир нарсани сўраш учун ҳам йўл босишга тўғри келади. Сабаби, қишлоққа телефон тармоғи етиб бормаган. Бунинг йўли ҳам топилди. Маҳалла учун рация ускуналари олиб борилиб, ўзаро сўзлашиш йўлга қўйилди. Ҳурлик ва Ёруғлик маҳаллалари оралиғидаги йўл ҳам таъмирланди. Шу билан бирга Ҳурлик маҳалласи томон уч километрлик газ қувури тортилиб, "зангори олов" маҳалладошларнинг ҳузури жонига айланди.

Шўрчи қишлоқ фуқаролар йиғинида 101 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатади. Демак, хайрли ишларда уларга суяниш мумкин. Шундай ҳам фермерларнинг саховатпешалиги сабаб Қораариқ маҳалласи Қорасув ариғи устида кўприк бунёд этилди. Ойнакўлдаги азалий Боймат бобо қабри сақланиб қолган. Мозоратнинг атрофини ободонлаштириш учун ҳамма бош қўшди. Атрофи девор билан ўраб олинганидан кейин баҳорда ободончилик ишлари бажарилди.

Шунингдек, айни шу баҳор мавсумида М-41 йўлининг икки ёнига минг тупдан ортиқ кўчат ўтқазилди. "Ҳурлик" фермер хўжалиги бошлиғи Хурсанд Шоймардонов 600 туп кўчатни ободончилик учун маҳаллага ҳадя этди. Шу йилнинг ўзида 2,5 минг тупга яқин мевали дарахтлар экилди. Бунда "Эшмат бобо" ва "Улуғбек" фермер хўжаликларининг раҳбарлари Жўра Тожиев, Чори Мирзақобиловларнинг ҳам ҳиссаси катта.

Омон ШУКУРОВ,
Парда НАРЗАРОВ.

Фарғона вилояти

Маърифат маҳалласи фуқаролар йиғини юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг Фарғона шаҳрида ташкил қилинган дастлабки маҳаллалардан биридир.

СОҒЛОМ МУҲИТДА СОҒЛОМ ФАРЗАНДЛАР КАМОЛ ТОПАДИ

— дейди Фарғона шаҳридаги Маърифат маҳалласи фуқаролар йиғини раиси М.Қодирова

Маҳалла ҳудудида вилоят ва шаҳар ҳокимликлари, 140 га яқин ташкилот, корхона, фирма ва муассасалар жойлашган. Маҳалла "Санитария маданияти юксак маҳалла" кўрик-танловида вилоятдаги 977 та маҳалла ўртасида биринчи ўринни эгаллади ва танловнинг Республика босқичида иштирок этиш учун йўлланмани қўлга киритди. Яқинда мухбиримиз маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мавлудахон ҚОДИРОВА билан суҳбатлашди.

— Вилоятда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бу йил ҳар қачонгидан эрта бошланди, — дейди Мавлудахон. — Бу ишларда маҳалламиз фаол қатнашмоқда. Хусусан, январь ойидаёқ барча кўча ва хиёбонлар, ариқлар тозаланди. Йўллар четларидаги мавжуд 1420 туп йирик танали чинорлар ва бошқа дарахтлар бутоқ қилиниб, шакл берилди ҳамда оқланди. 19 мартда ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида 2500 дан ортиқ фуқаро иштирок этиб, 1500 туп манзарали, 315 туп мевали дарахт кўчатлари ўтказилди. 5,7 гектар майдон ободонлаштирилди. 23 тоннадан ортиқ маиший ва саноат чиқиндилари шаҳар четидаги махсус жойларга чиқариб ташланди. 4,3 километр ариқ ва лотоклар тозаланди. 5323 туп атиргул, 103 минг тупдан ортиқ саккиз турдаги гул кўчатлари ўтказилди.

Маҳалламиз ҳудудидаги 32 та кўп қаватли уйларга 3 та уй-жой мулкдорлари ширкати хизмат кўрсатади. Барча хонадонлар тўлиқ электрлашган ва табиий газ билан таъминланган. Иссиқ ва совуқ сув мавжуд. 2005 йилдан бошлаб, фуқароларнинг иш ҳақидан электр, табиий газ ва сув тўловларини ойма-ой ундириб бориш йўлга қўйилди. Бу коммунал хизмат кўрсатувчи идорага ҳам, истеъмолчиларга ҳам қулайлик туғдирмоқда.

Маҳалланинг санитария ҳолати яхши. Чиқиндилар ҳар куни эрталаб ташиб кетилади. Бу ҳақда "Махсустранс" корхонаси билан шартнома тузганмиз. Маҳаллада ҳар жума куни "Озодалик куни" деб эълон қилинган. Шу куни ҳудуддаги барча ташкилот, фирма ва муассасалар ходимлари ўз ҳудудларини яхшилаб тозалаб, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширадилар. Аҳоли кенг қатламлари орасида оила спортини ривожлантиришга алоҳида аҳамият бераяпмиз.

Шу муносабат билан соғлиқни сақлаш тизимида фаолият кўрсатаётган олимлар, етакчи мутахассислар билан яхши алоқа ўрнатилган. Улар билан меҳнат жамоаларида, коллеж ва мактабда учрашувлар, савол-жавоб кечалари ўтказилмоқда.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экология меъёрларини татбиқ қилиш, ҳар бир кўча ва хонадонни сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, ундан тежамли ва оқилона фойдаланишда хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда аҳолининг масъулиятини кучайтиришга қаратилган дастурлар ишлаб чиққанмиз.

Кўчалар ва кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли ўртасида "Экологик жиҳатдан наъмунали кўча", "Энг тоза ва санитария маданияти юксак ҳовли", "Энг маданиятли ва ўқимишли оила", "Энг кўп спорт тури билан шуғулланувчи оила", "Эпли келин—сепли келин" кўрик-танловларини ўтказиш одат тусига кирган.

Қодир ШОДМОНОВ
суҳбатлашди.

Мулоҳаза

АДАШГАН АЁЛЛАР...

ИНСОНИЙ ТУЙҒУЛАР УЛАРГА ЁТ ЭМАС!

Маҳкума аёллар, маҳрума аёллар... Улар жамиятнинг ва замондошларининг қалбидаги оғриқлар. Бизнинг орамизда уларга шафқат кўзи билан, эҳтимол, нафрат кўзи билан қарайдиганлар топилади. Аёл қаерда яшамасин, қайси жойда бўлмасин, қай ҳолда бўлмасин аёллик оламига эга бўлади.

Ҳаёт йўлларида адашган аёлларга меҳр қўлини узатиш, келажак ҳаётларида йўл кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан "Менинг оилам", "Менинг келажагим" каби мавзуларда ёзилган иншолар танлови эълон қилинди. Ушбу танлов маҳбуса аёлларнинг муаммоларини, руҳий изтироблари ва орзуларини ўрганишимиз учун жудаям қўл келди, десак хато бўлмас.

Иншоларни ўқиб маҳбуса аёлларнинг кўпи адашиб, ҳаётда йўл топишга қийналиб шу ачинарли ҳолга тушиб қолганларини англадик...

Маҳкумалар ўзларини-ўзлари шу тақдирга солиб қўйганларидан надоматлар чекиб, пушаймонлар ичида яшамоқда. Уларнинг жиноятларини оқлаб бўлмайди, лекин уларнинг инсоний туйғуларини тан олиш лозим бўлади.

"Дунёдаги энг бахтли ва шод инсон бу озод инсондир... " Маҳкума Хайринисонинг иншоси шу сўзлар билан бошланган. "Мен қилган ишларимдан пушаймондаман. Ҳеч бир аёлни озодликдан маҳрум бўлишини истамайман. Бу ерда турли ҳунарларни ўрганаяпман. Насиб этиб бу ердан чиқсам болаларим, оилам, одамлар олдида ҳалол меҳнатим билан юзимни ёруғ қиламан..."

"...Ота-онамнинг дуосини олмаганим менинг илк хатойим эди. Ўша хато туфайли бу ерда ўз бошимга ўзим етиб ўтирибман..." Бу сўзлар Андижон шаҳрида туғилган 32 ёшли маҳбуса аёл Дилдоранинг "Аллоҳим озодлик насиб этгин" деб номлаган иншосидан мисралар.

"Мен синфдошимни севиб қолдим ва ота-онамнинг ризолигисиз унга турмушга чиқдим. Мен келин бўлиб тушган оилада аёл зоти бир пулга қиммат ҳисобланаркан... Эримга бўлган муҳаббатим нафратга айланди. Мен бутун меҳримни қизалоғимга, ўғилларимга бердим. Бунда яна хатога йўл қўйдим, ўғилларим меҳнат қилмасдан эрка бўлиб ўсди. Мен яна хато қилдим — эримнинг ҳаром пулига қурилган катта уйга ёпишиб олдим..." Бу мисралар 48 ёшли маҳбуса аёл Кариманинг иншосидан олинган. Бу аёл умри давомида йўл қўйган хатоларини санаб борар экан уларнинг барчаси учун ўз нафсини қарғайди.

"Онажонимнинг тим қора сочлари оқ пахтадек оқарган, тиниқ ой каби юзларига ажинлар тушиб қариликни сездиради, булар ҳаммаси мен туфайли деб ўйлаб қоламан... Онамнинг кўзларига нур бўлишни хоҳлардим."

Бу сатрларни маҳкума аёл Раъно ёзган. Шу қадар чиройли сўзларни ўзида сақлаган қалб билан ҳам жиноят қилиш мумкинлигига ҳайрон қоласан киши. Нималар уни жиноятга етаклади экан?

Деярли барча дил сўзлари ёзилган сатрларда гуноҳкор қалбнинг изтироблари ва бугун бошига тушган маҳрумликнинг сабабчиси ўзи эканига иқрор бўлишлик туйғулари мужассамлашган. Ҳар бир иншода оиласини соғинган, ўша муқаддас даргоҳига ичиккан аёлларнинг соғинчлари сезилиб турибди:

"... Мана бир йил бўлди оилам тарқаб, ўша мен талашган уй қолиб кетди..."

"Оиламга доғ туширишни худо ҳаққи хоҳламаган эдим..."

"Оиламга, болаларимга қийинлигини сезиб турибман..."

"Насиб этиб жазони ўтаб чиқсам, оиламни тиклайман..."

"... Энди оилам юзига қандай қарайман. Шу гиёҳвандлик савдосига қандай аралашдим ўзи? Булар менинг юрагимни еб ётган надоматларим. Оилам мени кечирармикан?.."

"Мен қарийб 40 йил давлат корхоналарида хизмат қилдим... Эртага орзуим ушалади, қамоқхона клубида илк бор микрафон олиб "Она алласи" қўшиғини куйлайман..."

Бу маҳбуса аёлларнинг орзулари, оиласи ҳақидаги гўзал орзулари. Бу чиройли орзуларни у озодликдан маҳрум, тўрт девор ичида орзулаяпти. Тўрт девор эшиклари эса бугунми, эртами очилади, озод ҳаётнинг бағри кенг. Гап бу кенгликда инсон ўзини қандай ҳис қилишида, ўзини қандай тутишида бўлади. Хуллас, тўрт девор орасида ясалган сабоқ... сабоқ бўлсин!

Гулжамол АСҚАРОВА,
Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси.

27 июнь — Ўзбекистон Республикаси матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

БАЙРАМ МУБОРАК БЎЛСИН!

Сўз юки — оғир. Уни ўз ўрнида ва нозик дид билан қўллаш орқали ҳақиқий ижод маҳсули дунёга келади. Шу маънода бугун халқнинг қувончу ташвишларини қаламга олиб, тилга кўчириб келаётган ижодкорларнинг, элу юрт ҳаётини сўзларда ифода этаётган ҳақиқий истеъдод эгаларининг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини эътироф этмай бўлмайди.

27 июнда ана шу шарафли касб эгалари бўлмиш Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ўз касб байрамларини нишонлайдилар. Энг эътиборлиси, бугун ушбу байрамни қарши олувчилар сафига талайгина ёш ижодкорлар ҳам қўшилган. Улар қисқа муддат бўлса-да журналистлик касбининг юкини кўтариб кўрдилар, устозлари, тажрибали касбдошлари кўмагида халқ дардига қулоқ тутишни ўрганди-лар. Бугун ана шу ёш истеъдодлар ижодий парвозига омад, тажрибали устоз ҳамкасбларимиз фаолиятига барака тилаймиз.

Байрамингиз муборак, азиз касбдошлар!

Н.АЛМУРОДОВ олган сурат.

"Mahalla" газетаси ташкил этилганига ҳадемай 10 йил тўлади. Ана шу давр ичида газета юртимиз маҳаллари аҳлининг севимли нашрига айланиб улгурди. Юртимиз ҳаётидаги демократик ислоҳотлар, одамларимиз турмушидаги, сиёсий майдондаги ўзгаришлар "Mahalla" саҳифаларида мунтазам ёритиб борилаяпти. Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида қизғин ислоҳотлар кечаётган бир пайтда дунё юзини кўрган нашр бугун ушбу жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланди. Бу борада зийрак ўқувчилар талабидан келиб чиқиб давр билан ҳамнафас ижод қилаётган таҳририят ходимларининг хизмати катта.

СУРАТДА: *таҳририят ходимлари газетанинг навбатдаги сонини муҳокама қилмоқда.*

"Mahalla" газетасида чоп этилаётган мақолалар, хабар ва маълумотлар ички ишлар тизими ходимлари фаолиятида, айниқса, маҳаллалар фаоллари билан ҳамкорликда жуда қўл келиши сир эмас. Жорий йилда Тошкент вилояти ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси ташаббуси билан "Mahalla"га вилоятдаги барча маҳалла таянч пунктлари обуна бўлди. Бу борада бошқарманинг вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлинмаси инспектори, катта лейтенант Зулайҳо Қаландарова алоҳида жонбозлик кўрсатди.

СУРАТДА: *милиция катта лейтенанти Зулайҳо Қаландарова газетанинг янги сони билан танишмоқда.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат

Маҳалла тизими ходимлари фаолиятидаги ютуқлар, намунали тажрибаларни оммалаштиришда ойнаи жаҳон ходимларининг хизматлари беқиёс.

СУРАТДА: "Ўзтелерадиокомпания"си Тошкент телеканали журналисти маҳалла тизими мутахассислари, оқсоқоллари ва фаолларидан интервью олмоқда.

Р.ИСЛОМОВ олган сурат.

Олам турфа

"ЧААБ"

фирмаси яратган қулф "эгасини таниш хусусияти" билан бошқа қулфлардан ажралиб туради. Гап шундаки, бу қулф эшикка ўрнатилиб, унинг калитида, аниқроғи; калитнинг ўчида микросхема жойлаштирилган.

Бундан ташқари қулфда ҳам худди шундай микросхема бор. Калит ва қулфдаги микросхемаларга уй эгаси ҳақида энг керакли маълумотлар жамланган.

Агар бегона киши калитни қулфга солиб бураса, умуман очимайди, гарчи калит шу қулфники бўлсада, фақат эгаси бурасагина очилади. Негаки, соҳибнинг ҳар бир ҳаракати ва ҳатто ўзига хос "ҳиди" микросхема хотирасига ёзилган. Энди ўғрининг ҳоли вой бўлса ажаб эмас.

МОПЕД ҚУЁШ ҚУВВАТИДА ЮРАДИ

Осака шаҳрида яшовчи бир гуруҳ муҳандислар қуёш батареясида ишловчи "Қуёш мопеди" яратишди. Мопед худди велосипед кўринишида бўлиб, унда кичик электромотор ва қуёш батареяси бор. У соатига 40 километр тезликда юради. Қуёш нурига тўйинган батарея қуввати билан 120 километр масофагача бориш мумкин.

* * *

Инглиз ихтирочиси Питер Холланд ота-оналарга энг яқин ёрдамчи сифатида механик тарбиячи ихтиро этди. Тўғри, болаларни тарбиялашда ота-она ўрнини босолмайди, бироқ бу робот болалар билан футбол ўйнаши, ёки бошқа бирор ўйин ўйнаши мумкин, эртак айтиб беради, ҳатто уларни дўконларга ҳам етаклаб боради. Болалар уни "Нанни" деб чақиришади.

Агар болалардан бирортаси "Нанни"нинг гапига қулоқ солмаса борми, тамом деяверинг. Роботнинг жаҳли чиқиб, бечора болаларни кечки овқатдан маҳрум этади.

...СОЧ ТОЛАСИДАН ЯСАЛГАН

Ереванлик Э.Казарян деган уста соч толаларидан 5 миллиметр узунликда ер ости йўли ясаган.

Унда "темир йўл" ётқизилган бўлиб, икки митти поезд қарама-қарши йўналишда қатнайди. Ҳар бир поезд 35 вагондан иборат. Вагонча ойналаридан ҳатто "одамлар"нинг юзлари ҳам кўриниб туради. Бундан ташқари ер ости йўли ичида иккита бекат жойлашган. Унга "Тинчлик", "Дўстлик" деб ёзиб қўйилган. Мана шуларнинг ҳаммаси 5 миллиметрлик ер ости йўлида жойлашган.

М.ИСЛОМОВА
тайёрлади.

Обидалар — тарих тилсими

Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги бу ёдгорликни XIX асрда ўлкамизда бўлган бир гуруҳ олимлар, рассомлар ва ҳарбийлар ўзларининг ён дафтарларига номини Чилпиқ /А.Л. Кун, А.Е.Россикова, А.Вамбери, Н.Н.Карамзин/, Чилпак /А.В.Каульбарс/ ва Шелпак /М.Н.Богданов/ деб қайд қилганлар.



Ўрта Осиёга Хожа Маҳмуд Решад Афанди номи билан 1863 йилда келган венгер олими Армен /Герман/ Вамбери Амударё орқали Хивадан Қўнғиротга бораётиб, Чилпиқда бўлган ва у ҳақда қуйидагиларни ёзиб қолдирган: **Бу бир пайтлар мустаҳкам қўрғон бўлган. Унда отаси қўлига асир тушган йигитга ошиқ бўлган шоҳ қизи, ўз севгилиси билан ота-онасидан қочиб келиб турган. Ўзларини сув билан таъминлаш учун ер ости билан дарёга чиққунча қазган. Бу ер ости йўли ҳозиргача сақланган.**

1902 йили Чилпиқ билан яқиндан танишган рус олими А.Е.Россикова ёдгорликнинг дарё бўйида гўзал, баланд жойга жойлашганлигини, маҳаллий халқнинг сўзларига кўра, қўрғон кучи жиҳатидан оламда тенгсиз Чилпиқ исмли баҳодир томонидан қурилганлигини ёзади. Шунингдек, қўрғон деворлари ва жартошларида, кўплаб араб ёзувлари қандайдир иероглиф ёзувлари, тушунарсиз чизилмалар борлиги айтилади. А.Е.Россикова Чилпиқ руҳига сиғинишга бағишланган байрамда иштирок этганида у ерда эгниларига ранг-баранг байрам либослари кийишган қиркдан зиёд йигит-қизлар ва қарияларни учратган. Уларнинг ёдгорликка чиқиб сиғинишларининг гувоҳи бўлган.

Уруш йилларидан илгари Я.Ғ.Ғуломов ва С.П.Толстовлар, 60-йиллар охирида тарих фанлари номзоди Ю.П.Маниловлар ёдгорликда археологик текшириш олиб боради. Пировардида тўпланган тарихий манбалар асосида Чилпиқ I-IV, VII-VIII, IX-XI асрларга мансуб ёдгролик эканлигини аниқлайди.

Қуйидаги сўзлар 1959 йили этнограф олим Х.Есбергенов томонидан Чилпиқ ёнида ёлғиз яшаётган одамдан ёзиб олинган: Хива хони номидан Сирдарё томондаги аҳолидан солиқ йиғиб қайтиб келаётган солиқчиларга олисдан Чилпиқ ёнида юрган бир гуруҳ зиёратчилар кўринади. Номозшом пайти, бемаҳалда бу қандай зиёратчилар экан деб, яқинлаб келишса, Чилпиқ ёнида ҳеч ким йўқлигининг гувоҳи бўлишади. Хивага етгач улар кўрган-билганларини қолдирмасдан хонга хабарлайди. Чилпиқ ҳақидаги ривоятлардан азалдан хабардор хон Чилпиқдаги руҳларни шод қилиш ва уларга яқинлашиш мақсадида қўрғон ён томонидан тош мадраса қурдиради. Чиндан ҳам бу ерга мадраса солинган ва 1929 йили шўролар томонидан бузиб ташланган. Айни вақтда унинг 1,5 м баландликда пойдевори сақланиб қолган.

Чилпиқ қуйи эни 130-150 метр, баландлиги 35-40 метр доирасимон иншоот. У балчиқдан тикланган, қалин деворлар билан қуршалган. Қадим деворларининг бизгача нурамасдан етиб келишнинг сири, фикримизча, қурилишга ишлатилган лойнинг сифатига, шунингдек, селёмғирдан сақловчи сувоқларнинг ўрнатилишидан бўлса керак. Соз лойдан ишланиб, хумбизда пиширилган бу сувоқлардан ҳозир ҳам фойдаланиш мумкин. Шунингдек, ҳар қандай зах ва зилзилага қарши дарё ултонидан олиниб, пойдевор тагига тўшалган чега қумнинг ўрни ҳам алоҳида бўлса эҳтимол.

Чилпиқнинг Амударёга қараган қунботар томонидан дарвозасига махсус зинапоя орқали чиқишган. Уни археологик текшириш вақтида йирик хом ғиштлардан ишланган 75 зинапоя /токча/ ва икки ёнида пахса қолдиқлари аниқланди. Зинапоя ёрдамида дарвоза орқали Чилпиққа кирсангиз унинг ичи текисланганига гувоҳ бўласиз.

Текисланган майдонча устига Чилпиқ деворига ёпиштириб баландлиги 2,3 метр, эни 3 метр лой супа қурилган. Девор ва танча оралиғига кулол новлар ўрнатилган ва улар сув оқар хизматини бажарган. Археологик текширишлар пайтида шу кўринишлар гувоҳи бўлган профессор С.П.Толстов Чилпиқ зардуштийлар динига хос ёдгорлик, бу жой зардуштийлар дини ақидасига биноан ўликлар суягини этидан тозаловчи ўрин-даҳма деган хулосага келган. Бу фикрни 1960-1970 йиллари тадқиқот олиб борган археолог О.П. Манилов ҳам тасдиқлаган ва шундайлигича илмий муҳитга киритилган.

Тўғри, ёдгорлик ичида одамлар яшаши учун зарур қурилишнинг бирон-бир белгиси учрамайди. Шунингдек, Чилпиқни муҳофаза қўрғони дейишга асос йўқ, унинг деворларида ҳарбий қурилишларга хос мерганлар галереяси билан камондан ўқ отиш дарчалари ишланмаган.

Этнограф Х.Есбергенов фикрича, Чилпиққа дастлаб зардуштийлик, кейинчалик ислом дини қоидаларига хос марҳумлар келтирилиб, тегишли анъанавий маросимлар ўтказилгач, уларни бошқа жойга олиб бориб кўмишган. Чилпиқ асосан жанубий Орол бўйидаги сиғиниш манзили бўлган. Ёш келин-куёвлар, бефарзанд жувонлар, касалманд кишилар келиб, зиёрат қилишган. XX аср бошларигача Чилпиқ ёнида Наврўз, Қурбон ҳайити байрами билан боғлиқ умумхалқ сайиллари ўтказиб келинган.

1990 йилда Чилпиқда текшириш олиб борган Марказий Осиё архитектураси тарихи бўйича таниқли мутахассис, архитектура фанлари доктори С.М.Булатов ёдгорликнинг астрономик назорат ўрни бўлганлиги ҳақида фикр билдирди. Профессор ҳисоб-китобига кўра, дарвозанинг ўнг томонида қалин деворни тешиб ишланган "сирли эшик" ёрдамида қўрғон ичкарисига ўрнатилган астрономик кузатишлар ўтказилган. Унинг азимути 58 даражада бўлиб, у деҳқончилик билан шуғулланувчи ўтроқ халққа қишда тун ва куннинг тенглашиш вақтини, /21-22 декабр/, тўхташ вақтини аниқлашда хизмат қилган. Кўчманчи чорвадорлар эса ўз йўналишини ёзги кун ва туннинг тенглашиши вақтини /21-22 июл/, куннинг тўхташ вақтини аниқлаб, шунга қараб иш тутганлар.

Чилпиқ фасллар алмашиниши, Амударё сувининг тошиши ва қайтиши каби деҳқончилик учун жуда муҳим бўлган ўзгаришларни олдиндан астрономик кузатиш ва календар хизмати юритиш жойи бўлган.

Шундай қилиб, Чилпиқ, тўпланган археологик, этнографик, фольклор материаллари, ривоят-афсоналар, ўтказилгани астра-архитектура ҳисоблашлар якунига кўра бир-бири билан ўзаро боғланган қадим бир ёдгорлик, унинг географик ва топономик жойлашиш ўрни муқаддас Авесто китоби қоидаларига хос Орол бўйидаги даҳма бўлган.

Бундай қадамжоларда байрамларга боғлиқ умумҳалқ сайиллари ўтказиш анъаналари XX аср бошларига қадар давом этиб келган. Байрам тадбирларида оддий фуқаролар қатори ҳукмдорларнинг ҳам иштирок этиши араб-форс ёзма манбаларидан маълум. Бунга Чилпиқдаги бир байрам тадбирларида қатнашган ҳукмдорларнинг имзолари яққол мисолдир. Масалан, Чилпиқ яқинидаги Қора тепадаги шундай имзолардан бири, профессор С.П.Толстовнинг аниқлашича, XI асрда ўтган Хоразмшоҳ Муҳаммад Текешга мансуб бўлса, иккинчиси XVII асрдаги Хива хони Ануша Муҳаммадхонга тегишлидир.

К.НУРЖОНОВ,
Ғ.ХЎЖАНИЁЗОВ.
("Амударё" рисоласидан.)

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИЯСИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Атрофингиздаги рўй бераётган ўзгаришларнинг барчаси сизга маъқул бўлмаса-да, ҳар ишдан бир хайр изла, деган нақлга амал қилинг.

СИГИР (22.04-20.05)
Айни кунларда молиявий ишларингиз кутилгандек самара бермаслиги мумкин, лекин бу тушкунликка тушиш учун сабаб бўлолмайди.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Ваъдани қуюқ қилишдан аввал уни бажариш йўлини тахт қилиб қўйсангиз, дўстларингиз олдида обрўингиз тўкилмайди.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Оилавий можаролар исканжасида қолишни истамангиз, уйда камроқ бўлинг. Бор ғайратингизни ишхонада ташкилий юмушларга сарфланг.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Ким қандай маслаҳат берар экан, дея кутиб ўтирсангиз, қимматли фурсатни ва катта имкониятларни қўлдан бой бериб қўйишингиз мумкин.

ПАРИЗОД (23.08-22.09)
Фарзандларни тарбиялаш борасида баъзан ортиқча қаттиққўллик қилиб юборасиз. Бундан ҳеч наф йўқ, аксинча, ўзаро муносабатларга путур етади.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Шу кунларда айнан сиз кўпроқ дам олишингиз лозим бўлади, акс ҳолда узоқ муддатга хасталаниб қолишингиз ҳеч гапмас.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Уй-жой, кўчмас мулк билан боғлиқ масалаларни яхшиси бир ўзингиз, ҳеч кимнинг ёрдамисиз ҳал қилганингиз дуруст, муҳими — ишончли.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Раҳбариятга яхши кўринаман дея ўз имкониятларингиздан ташқари вазифаларни зиммангизга ола кўрманг. Айнан шунинг учун обрўингиз тушади.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-19.01)
Меҳмондорчиликка отланганда албатта мулойимлик "халтангизни" олиб олинг. Бўлмаса хурсандчилик ҳам можаро билан тугаши ҳеч гапмас.

КОВҒА (20.01-18.02)
Дам олиш кунларини оила даврасида ўтказишга ҳаракат қилинг, бу файзли онларни анчагача кўтаринки кайфиятда эслаб юрасиз.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Ортиқча хаёлпарастликка берилмасдан режаларни амалга оширишга киришинг. Кечиккани боис умуман битмай қоладиган юмушларингиз анчагина.



Буни ҳаёт дейдилар...

„... САДОҚАТНИ ЯХШИ КЎРАМАН..."

Айтишларича, асли исми Қаршигул бўлган. Уруш йилларида бир этак боласи билан бева қолиб кетган. Бири уйида, бири қўлида, бири белида... Қаршигул кечаю кундуз тиним нималигини билмаган бояқиш. Кундузи далада кетмон чопса, кечаси тикувчилик қилган. Озроқ вақти қолса бир ҳовучгина унидан бўлсада хамир ёйиб, ширин мантилар пишириб сотган. Ана шундай қилиб бола-чақасини оёққа турғизиб олган экан.

Қайнонам раҳматликнинг ҳикоя қилишича, тенгдоши бўлган бу аёл ота-онасининг папалаб ўстирган ёлғизи бўлган. Қош-кўзи попукдек, сочлари тақимини ўпадиган дилбар қизларига кўз тегмаслик учун энг чиройли исм билан эмас, бундайроқ исм билан атаган эканлар.

Қаршигул маҳалладоши Султонга турмушга чиқиб, уни чинданда бахтли қилган эди. Қўша-қўша ўғил-қизларини биргалашиб ўстирмоқчи эдилар. Афсус бу ниятларга унинг ёлғиз ўзи етди. Ўша оғир дамларда аёл садоқати яна бир бора синовдан ўтган. Қишлоқда тирикчиликнинг қийинлигидан оилаларга хиёнат оралаган, бева аёлларнинг баъзилари гулгун ёшликларини ҳижронда ўтказишни истамаганлар. Лекин Қаршигул яхши кунларга сабру қаноат билан етди. Ўз ёрига муҳаббатли ва садоқатли бўлиб қолди. Не-не эркаклар унга суқ назар билан боқдилар, ҳатто совчи қўйдилар. Қаршигул бир бурда нонга зор бўлиб қолганларида ҳам кимсанинг қозонига кўз тикмади, бировдан мадад кутмади.

Шунда кайвони отахонлардан бири кўпчиликнинг орасида "Бу аёлнинг исми Қаршигул эмас, Тиниғой бўлсин, сувдай тиниклиги бошқаларга ибрат бўлсин", дея алқаган экан.

Шу-шу унинг исми элдошлари орасида Тиниғой бўлиб кетган.

Садоқат, муҳаббат тимсоли дейишса, каттаю кичик бирдек Тиниғой аяни эслаб қўйишади. Хотира ва Қадрлаш кунида ўтиб кетганларни зиёрат қилиш учун чиққанимизда, аждодлари қатори маҳалладошлари шу оддийгина, лекин садоқатли аёлнинг қабрини гулларга, дуоларга кўмишди. Кенжа қизи Сурайё кўзларида ёш ила, лекин юрагида шундай онажониси бўлганлигидан ифтихор ила уларга таъзим қилиб турарди.

... Қизим Садоқат қўлидаги анвойи гулларни дадажонисининг қабрига қўяр экан, уни меҳр билан бағримга босаман:

"Мен бари-бир Садоқатни яхши кўраман..."

Бахринисо СУЛТОНАЛИ қизи

Тошкент шаҳри

МАҲАЛЛА КУНИ МАЗМУНЛИ ЎТМОҚДА

Маълумки, пойтахтимизда ҳафтанинг ҳар шанбаси Маҳалла куни сифатида эътироф этилиб, бу кунда шаҳардаги маҳаллаларда турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш одат тусига кирган.

Хусусан, Тошкент шаҳар Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар Республика илмий услубият маркази, "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлими ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида пойтахтимиз маҳаллалари ўртасида қизиқарли беллашув тадбирлар ўтказилаётгани қувонарли ҳолдир.

Яқинда ана шундай беллашувлар Мирзо Улуғбек туманидаги Бўз-2, Аҳиллик ҳамда Собир Раҳимов туманидаги Пахта ва Комилжон Ғафуров номли маҳаллалар ўртасида бўлиб ўтди.

Тадбирда ушбу маҳаллалар ўз фуқаролар йиғинлари фаолияти ва ҳаётини акс эттирувчи турли кўргазмали суратлар, халқ амалий санъати намуналари ҳамда бадиий чиқишлари билан иштирок этдилар.

Қизғин ўтган ушбу тадбир якунида танлов ҳайъати Собир Раҳимов туманидаги Комилжон Ғофуров номли маҳаллани шу кунги энг фаол қатнашган маҳалла деб топди. Ғолиб ва фаол иштирокчиларга тадбир ташкилотчилари ва ҳомийлар томонидан мукофотлар топширилди.

Сарвиноз БЕРДИЕВА

СУРАТЛАРДА: *тадбирда ғолиб бўлган маҳалла оқсоқоли тақдирланмоқда.*
Шу маҳалла тадбиркорлари.

ГЕОГРАФЛАР АНЖУМАНИ

Ўзбекистонда география фанининг равнақи учун, фан ютуқларига муносиб ҳисса қўшиб ўтган, география илмида ўзига хос мактаб яратган устозларимизнинг ҳаёт фаолиятларини, улар қолдирган меросни ўрганмоқ географик тафаккурни шакллантиришда муҳим саналади.

Шу боис яқинда Наманган Давлат университетида Ўзбекистон географларининг "География тарихи: хотира ва қадриятлар" мавзусида илмий-амалий анжумани ўтказилди. Мазкур илмий-амалий анжуман Наманган Давлат Университети География кафедрасининг 30 йиллигига бағишланган бўлиб, унда ҳозирги замон географиясининг тадқиқот методологияси, Ўзбекистонда география фанининг равнақига муносиб ҳисса қўшган етук олимларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид хотиралар, ҳозирги кунда география фанининг ривожланиши йўлида меҳнат қилаётган устоз олимларнинг илмий-педагогик фаолиятидаги ютуқлар ҳақида гап борди.

Келажак авлодларга фан ютуқлари ва илмий тафаккурни мерос қолдирмоқ мақсадида ёниб яшаётган фанимиз фидоийларининг ҳаёт йўлини ўрганмоқ, уларни қадрлаш ёш авлоднинг бурчидир.

О.МИРЗАМАҲМУДОВ,
НамДУ География кафедраси ўқитувчиси;
Н.ИБРАГИМОВА,
Низомий номидаги ТДПУ 2-курс талабаси

Шайхонтоҳур тумани Ҳ.Мусаев номли 38-мактаб томонидан 1992 йилда Усмонходжаева Дилора Шаировна номига берилган А 042213 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

СП "Premier Packages" объявляет о своем объединении с СП "SANI Paper and Packaging".

СП "SANI Paper and Packaging" является польным правоприемником СП "Premier Packages".

Ўзбекистон Мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши Тошкент шаҳар Юнусобод тумани бош имом хатиби Абдуқодир Ҳайдаровга опаси **КАРОМАТ опа**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ESENYA
КУРИЛИШ-ИНЖИНИРИНГ ФИРМАСИ
ЛОЙИҲАЛАШТИРАМИЗ, ҚУРАМИЗ:
☑ БОҒЛАР, АТТРАКЦИОНЛАР, БОЛАЛАР СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАЛАРИ;
☑ БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ ВА ШАҲАРЧАЛАРИ;
☑ БАССЕЙНЛАР;
☑ АКВАПАРКЛАР.
Германия, Италия, Испания, Туркия ва Россия давлатларининг қатор ишлаб чиқарувчи фирмалари дистрибьютери ва етказиб берувчисимиз.
Эскириб колган аттракционлар ва бошқа боғ жиҳозларини техник экспертизадан ўтказамиз, таъмирлаймиз ва қайта тиклаймиз ҳамда ишлаб чиқарувчи заводлардан эҳтиёт қисмларни, механизмларни ва бошқа конструктив элементларни етказиб берамиз.

ESENYA
Bau- und Handelinvestition GmbH
Traunreut - Deutschland
ОАО АТТРАКЦИОН CATALOGUE
СЮРПРИЗ
БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН
Манзилимиз: 700025, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Абдулла Каҳҳор кўчаси, 49-уй.
Телефон: 107-16-00. Тел./факс: 152-13-01.

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъна берди ҚУРБОНОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.
А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

9670 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-524
1 2 3 4 5 6
Топширилди —